

ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАР ПОЭТОНИМЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Махсудова Холисхон Умматовна

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

Таянч докторанти

Андижон машинасозлик институти

Тел: +998911606100

xolisxon@mail.ru

Аннотация: ушбу мақолада прецедентнинг айрим хоссалари таҳлил қилиниб, улардан бадиий матнда образли фойдаланиш имконияти очиб берилади.

Таянч сўзлар: прецедент бирликлар, прецедент матнлар, прецедент номлар, талмех, бадиий матнлар, диний матнлар, *антропонимлар, лингвокультурология*, .

Кейинги йилларда лингвокультурологик тадқиқотлар доирасида **прецедент бирликлар, прецедент матнлар, прецедент номлар** тушунчалари ҳам ўрганила бошлади. Тадқиқотимиз кўлами нуқтаи назаридан прецедент номларга тўхталиш билан чекланамиз.

Прецедент матнлар "(1) маълум бир шахс учун когнитив ёки ҳиссий муносабатларда аҳамиятли, (2) ғайритабиий характерга эга, яъни ушбу шахс мансуб доирадагиларга, жумладан, унинг ўтмишдошлари ва замондошларига яхши маълум ва ниҳоят, (3) ушбу лисоний шахс нутқида қайта-қайта такрорланадиган тил бирликларидир."¹

Прецедент сўзининг луғавий маъноси “намуна сифатида хизмат қиладиган иш, келажакда шунга ўхшаш ишлар бўйича қарор қабул қилиш учун асос”² маъносини англатиб, тилшуносликда “муайян тил эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент матнлар сифатида қайд этилади.”³

М.Артикованинг “Прецедент феноменининг лингвوماданий табиати” мақоласида прецедент турларидан ҳисобланган прецедент номлар – ўтмишда ёки ҳозирда қандайдир юксак эътирофга сазовор ишларни амалга оширган машҳур кишилар билан бирга муайян жамият аъзоларининг барчасига таниш бўлган жойларни ҳам назарда тутди.⁴

Е.А.Нахимова “Прецедентные имена в массовой коммуникации” (“Оммавий мулоқотда прецедент номлар”) монографиясида миллий-маданий мансублиги, онимлар табиатига кўра, антропоним, топоним, астроном ва бошқаларни киритиш мумкинлигини таъкидлайди.⁵ Биз ҳам мана шу фикрни қувватлаб, фақат антропонимларгина эмас, исталган бошқа оним турлари ҳам прецедент номлар бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Д.Худойберганова ўзбек тилшунослигида биринчилардан бўлиб прецедент бирликларни лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилади ва прецедент номларни алоҳида гуруҳлайди: “Прецедент бирликлар ичида прецедент номлар алоҳида ўрин тутди. Айтиш жоизки, бу ҳодиса мумтоз адабиётимиздаги талмех санъати – машҳур шахслар номини келтириш орқали бирор воқеага ишора қилиш ҳодисасига жуда ўхшайди. Шунини айтиш жоизки, прецедент номлар юзага келиш мотивига кўра турлича бўлади. Улар бадиий матнлар, диний матнлар, машҳур ва қизиқ воқеалар,

¹ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. Изд. 7-е. М.: Издательство ЛКИ, 2010. – С.217

² <https://ru.wikipedia.org/wiki/прецедент#Значение>

³ Қаранг: Худойберганова Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. Т.: Фан, 2013. – Б. 87

⁴ Артикова М. Прецедент феноменининг лингвوماданий табиати // Ўзбекистонда хорижий тиллар, 2021, № 3 (38), 78-92

⁵ Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации: монография. ГОУ ВПО «Урал.гос.пед.ун-т»; Инс-т социального образования. Екатеринбург, 2007. – С.

афсона, ривоят, эртақ, латифа, кинофильмлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, *Лайли, Мажнун, Хизр, Насриддин афанди, Шум бола, Қоработир, Тоҳир-Зухра, Сотти* каби.”⁶

Талмех (*арабча* - чакмоқ чақиши, кўз қирини ташлаш, назар солмоқ) - мумтоз адабиётдаги шеърини санъат, шеърда машҳур тарихий воқеа, шахслар, бадий асарларга ишора қилиш. Талмех шоирни кўзда тутилган фикрни батафсил айтиш, ҳолатни батафсил тасвирлаш заруратидан халос этиб, кўзланган самарага ўша фикр ёки ҳолатга мос келадиган бошқа бирор ҳаётини ёки бадий фактга ишора қилиш биланоқ эришиш имконини беради.⁷ Демак, Д.Худойберганованинг юқоридаги фикрини қувватлаб, талмех орқали поэтик вазифа юкланган ономастик тил бирликларини прецедент бирликлар ва янада кенгроқ маънода поэтонимлар қаторига киритиш мумкин.

М.Саидова, У.Қўзиевлар прецедент номлар деганда, фақат антропонимларни назарда тутадилар: “жуда машҳур матнлар билан боғлиқ (*Қори Ишқамба, Майсара, Ўтқурий* каби), вазиятлар билан боғлиқ (*Жалолддин, Маҳмуд Торобий, Широқ* каби) атоқли отларни тушунамиз.”⁸

М.Сайдалиева “Ўзбек прецедент номларининг қўлланишидаги айрим жиҳатлар” мақоласида антропонимлар билан бир қаторда ўзбек прецедент топонимлари қўлланилишини публицистик матн доирасида тадқиқ қилади.⁹

Н.Э.Пардаеванинг “Замонавий тилшуносликнинг лингвокультурология соҳасида прецедент бирликлар тадқиқи” мақоласида прецедент номлар онимлар табиатига кўра фарқлаб ажратилмаган бўлса-да, келтирилган мисолларнинг ҳар хил оним турларига мансублиги эътиборимизни тортди. “Ҳозирга вақтда *Айюб, Афросиёб, Алтомиш, Боғи Эрам, Бойчибор, жоми Жам, Искандар, Каъба, Қумуш, Отабек, Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин, Тоҳир, Зухра, Одам Ато, Момо Ҳаво, Масиҳ, Тўмарис, Широқ, Амир Темур, Хотам, Хумо, Усмон, Чўлпон* каби ўзбек ва Шарқ лингвомаданиятига; *Гамлет, Геракл, Икар, Колумб, Отелло, Яго, Буратино* каби Ғарб лингвомаданиятига оид номлар фаол қўлланмоқда.”¹⁰

Булардан *Айюб, Алтомиш* кабилар – антропоним;
Каъба, Боғи Эрам – топоним;
жоми Жам – ктематоним;
Бойчибор – зооним;
Хумо – орнитоним.

Тил ҳодисалари шундай жараёнки, кутилмаган трансформацияланиш, умумий қонуниятлардан чекиниш ҳолатлари, асосан, бадий матнда муаллиф топилмалари асосида намоён бўлади.

Америка – сехрли диёр,

Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.

Денгиз ортин ёритди илк бор,

Берунийнинг ақл машъали.

Колумбда бор аламин маним,

Ўзбекистон – Ватаним маним!” (А.Орипов)

А.Ориповнинг индивидуал сифатлаши – “сехрли диёр” бирикмаси халқ орасида оммалашиб, прецедент бирликка айланди, натижада турли соҳа вакиллари, жумладан журналистлар томонидан Америка Қўшма Штатлари давлатига нисбатан перефраз сифатида тўғридан-тўғри қўллана бошлади. Оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларидаги материалларнинг “*Сехрли диёр сарҳадларида*”, “*Сехрли диёр*”га тўлиқ грант ютиш учун нима қилиш керак?”, “*Сехрли диёр*”га бормаган ким бор?”, “*Сехрли диёр*”ни сехрлаган ўзбек миллий матолари” каби сарлавҳалар билан берилаётгани фикримиз исботидир. Бундан шундай

⁶ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Т.: Фан, 2013. – Б. 90-91

⁷ Қурунов Д., З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослиқ луғати. Т.: «Akademnashr», 2010. –Б. 306

⁸ Саидова М., Қўзиев У. Лингвокультурология (Услубий қўлланма), Наманган 2017. – Б. 96

⁹ Сайдалиева М. “Ўзбек прецедент номларининг қўлланишидаги айрим жиҳатлар // IV-EUROASIA International Congress on Multidisciplinary Studies. Shymkent, Kazakhstan, August 25-28, 2019. - С. 262-

¹⁰ Пардаева Н.Э. Замонавий тилшуносликнинг лингвокультурология соҳасида прецедент бирликлар тадқиқи // “Экономика и социум” №1(80) 2021// <https://www.iupr.ru>

хулосага келиш мумкинки, топонимлар ўрнида қўлланадиган перефразалар ҳам поэтоним вазифасини бажара олар экан.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Артикова М. Прецедент феноменининг лингвомаданий табиати // Ўзбекистонда хорижий тиллар, 2021, № 3 (38), 78-92
2. Қуронов Д., З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Т.: «Akademnashr», 2010.
3. Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации: монография. ГОУ ВПО «Урал.гос.пед.ун-т»; Инс-т социального образования. Екатеринбург, 2007.
4. Пардаева Н.Э. Замонавий тилшуносликнинг лингвокультурология соҳасида прецедент бирликлар тадқиқи // "Экономика и социум" №1(80) 2021// <https://www.iupr.ru>
5. Саидова М., Қўзиев У. Лингвокультурология (Услубий кулланма), Наманган 2017.
6. Сайдалиева М. “Ўзбек прецедент номларининг қўлланишидаги айрим жиҳатлар // IV-EUROASIA International Congress on Multidisciplinary Studies. Shymkent, Kazakhstan, August 25-28, 2019.
7. Худойберганова Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. Т.: Фан, 2013.
8. <https://ru.wiktionary.org/wiki/прецедент#Значение>